

«UZTRADE» акциядорлик жамияти

**«UZTRADE»**  
**акциядорлик жамияти**

2021 йил

**МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРИНИНГ**  
**АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИ НАТИЖАСИ**  
**БЎЙИЧА АУДИТОРЛИК ҲИСОБОТИ**

Ҳисобот тақдим этилган сана 26.05.2022 йил.

## I. Кириш қисми

1. Аудиторлик ташкилоти ва «UZTRADE» акциядорлик жамияти тўғрисида умумий маълумотлар
2. Аудит ўтказиш методикаси

## II. Таҳлилий қисм

- 1 Таъсис ва рўйхатдан ўтказиш ҳужжатлари аудити
2. Устав капиталнинг шакллантирилиши аудити
3. Бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат умумий ҳолатининг аудити
  - 3.1. Бухгалтерия ҳисобининг умумий ҳолати аудити
  - 3.2. Жамиятда ички назорат тизимининг умумий ҳолати аудити
4. Бухгалтерия ҳисоботлари аудити
5. Асосий воситалар ва капитал қўйилмаларни ҳисобга олиш бўйича операцияларнинг аудити
6. Ишлаб чиқариш захиралари аудити
7. Импорт битимлар бўйича сотиб олинган товар моддий қийматликларни бухгалтерия ҳисоботларида акс эттириш таҳлили
8. Тайёр маҳсулотларни реализация қилиш бўйича ҳаридор ва буюртмачилар билан амалга оширилган ҳисоб-китоблар аудити
9. Нақд пул маблағлари ҳаракатининг аудити
10. Ҳисоб рақами аудити
11. Меҳнатга ҳақ тўлаш фонди аудити
12. Кредитлар ва займлар бўйича ҳисоб-китоблар аудити
13. Даромад ва харажатлар аудити
14. Бюджет билан ҳисоб-китоблар аудити
  - 14.1. Фойда солиғи аудити
  - 14.2. Мол-мулк солиғи
  - 14.3. Жисмоний шахслардан ундириладиган даромад солиғи ва жамғариб бориладиган пенсия таъминотига тўловлар аудити
  - 14.4. Қўшилган қиймат солиғи аудити
15. Молиявий кўрсаткичлар таҳлили

## III. Яқуний қисм

## I.КИРИШ ҚИСМИ

МСНҲ шаклидаги «ODIL AUDIT» аудиторлик ташкилоти томонидан 2022 йил 13 майда тузилган №22120012065980-сонли шартномага мувофиқ «UZTRADE» акциядорлик жамиятининг 2021 йил 1 январидан 31 декабрга бўлган даври молия-хўжалик фаолиятини ташқи аудитдан ўтказиш бўйича аудит хизмати кўрсатилди.

Ўрганиш, МЧЖ «ODIL AUDIT» аудиторлик ташкилоти директори аудитор Алиев Шерзод Абдихомидович (аудитор малака сертификати № 05166 ЎРМВ 13.10.2013 йил). Аудитор Хажимуратов Низомжон Шукуруллаевич (аудитор малака сертификати № 057768 ЎРМВ 16.12.2021 йил) ва ёрдамчи аудитор Эшонкулов Хамро Хамдамович томонидан ўтказилди.

Аудиторлик текшируви, Ўзбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни ва Аудитнинг халқаро стандартлари (АХС) ва аудиторлик ташкилотининг ички стандартларига мувофиқ ўтказилди.

Аудиторлик текширувини ўтказишдан мақсад жамият томонидан 2021 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича шакллантирилган молиявий ва бошқа унга боғлиқ ҳисоботлар бўйича аудитор фикрини билдиришдан иборат. Тақдим этилган молиявий ва бошқа унга боғлиқ ҳисоботлар бўйича аудитор фикри аудиторлик ҳисоботида ифода этилади. Аудитор фақат тақдим этилган молиявий ҳисоботлар бўйича билдирилган фикри доирасида жавобгар ҳисобланади. Мазкур молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги учун жамият раҳбарияти жавобгардир.

Аудиторлик ҳисоботидаги ахборотлар махфий бўлиб фақат рухсат этилган шахсларга танишишга йўл қўйилади.

### 1. Аудиторлик ташкилоти ва буюртмачи тўғрисида маълумот

«Бажарувчи»:	Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «ODIL AUDIT» аудиторлик ташкилоти
Давлат руйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида маълумот:	Адлия Вазирлигининг 1996 йил 27 ноябрдаги қарорига асосан руйхатдан ўтказилган. Руйхатга олиш тўғрисидаги гувоҳнома № 271 АВ.
Аудиторлик лицензия:	Молия Вазирлигининг 2019 йил 18 апрелдаги № 00826 сонли «Аудиторлик фаолияти билан шугулланиш тўғрисида»ги лицензия.
Фаолиятнинг суғурталанганлиги:	Аудиторлик ташкилотининг профессионал жавобгарлиги тўғрисидаги суғурта полиси 17.02.2022 йил №0397953.
Банк реквизитлари	Ҳисоб рақами №2020 8000 9005 1238 3001 «Asia alliance bank» банк. АТИБ Олмазор

«UZTRADE» акциядорлик жамияти

	филиали бўлимида, МФО 01102, ИНН 202 071 199.
Манзили:	Тошкент шаҳри Чилонзор туман Новза 14, тел.
Аудитор:	Хажимуратов Низомжон Шукуруллаевич ,аудитор малака сертификати №05768, ЎРМВ 16.12.2021 й.)
Ёрдамчи аудитор	Эшонкулов Хамро Хамдамович
Аудиторлик текшируви ўтказиш учун асос:	«13» май 2022 йилдаги №22120012065980-сонли шартнома
Шартнома предмети:	2021 йил 1 январдан 2021 йил 31 декабрга қадар молиявий ҳисоботларни аудиторлик текширувидан ўтказиш туғрисида
Ҳисобот такдим қилиш муддати:	«30» май 2022 йил
Буюртмачи:	«UZTRADE» акциядорлик жамияти
Манзили:	Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Миробод тумани Истиклол кўчаси 51-уй. Ҳисоб рақами: 20210000000573947001. АТБ «Туронбанк». Банк коди: 00446. СТИР: 303719034. ИФУТ: 46110 Код НДС: 326020005397
Фаолият тури	Ташқи савдо воситачилик
Давлат рўйхатидан ўтган сана	Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳри Миробод туман Давлат хизматлари маркази томонидан 2016 йил 12 январ санасида 187 реестр рақами билан билан рўйхатдан ўтган.
Устав фонди	59 728 091 731 сўм
Жамият бошқарув раиси:	Курбанов Абдор Эшнизоич.
Бош бухгалтер:	Боймирзаев Расул Зиёвитдинович



## 2. Аудит ўтказиш методикаси

Аудит, Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи амалдаги меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ ўтказилди. Аудитни ўтказишда:

- ✓ Ўзбекистон Республикасининг "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонуни(ЎЗРҚ, 25.02.2021 й.677-сон);
- ✓ Аудитнинг халқаро стандартлари(АХС-510,200);
- ✓ Аудитни ўтказиш бўйича аудиторлик ташкилотнинг ички стандартлари, кўрсатмалари ва методологик тавсияларидан фойдаланилди.

Ушбу текширув танланма асосда бухгалтерия(молиявий) ва солиқ ҳисоботларида келтирилган рақамли маълумотлар ва тушунтиришларни текширишни ўз ичига олган. Шунингдек, бизнинг ишимиз «UZTRADE» акциядорлик жамияти раҳбарияти томонидан амалда қўллашда қабул қилинган бухгалтерия ҳисобини юритиш тамойиллари (принциплари)ни ва уларни аниқлик даражасини тақдим этилган бухгалтерия (молиявий) ҳисоботларнинг яхлитлиги ва ишончлилигига таъсирини баҳолашдан иборат.

Текширув давомида, биз ;жамиятнинг бухгалтерия (молиявий) ҳисоботининг барча мавжуд хатоликларини аниқлаш мақсадини кўзламадик. Биз аудиторлик стратегиясини ва аудиторлик дастурини ишлаб чиқдик, унда Жамиятнинг бухгалтерия (молиявий) ҳисоботлари жиддий хатолардан холи эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун аудиторлик процедураларининг кўлами ва кетма-кетлигини аниқладик.

### Аудит қуйидагилардан:

- Аудитни режалаштириш
- Аудиторлик далилларини олиш
- Жамият раҳбариятига ёзма маълумот (ҳисобот) тайёрлашдан иборат.

Аудитни режалаштириш аудиторлик текширувини умумий хажмини, графигини ва ўтказиш муддатларини кўрсатган ҳолда умумий режа ишлаб чиқиш, шунингдек аудиторлик дастурини тайёрлашда Жамиятнинг бухгалтерия (молиявий) ҳисоботларининг ишончлиги тўғрисида фикр билдириш учун зарур бўлган аудиторлик процедурасининг хажми, турлари ва кетма-кетлигини белгилайди.



Режалаштириш босқичида биз бухгалтерия (молиявий) ҳисоботларининг мумкин бўлган хатоликларини аниқлаш, шунингдек бундай хатоликларни пайдо бўлишига таъсир этувчи омилларни ҳисобга олиш мақсадида бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимларни кўриб чиқдик.

Бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимларни баҳолаш билан бир вақтнинг ўзида, биз жамиятнинг бухгалтерия (молиявий) ҳисоботлари даражасидаги ўзига хос ҳавфни баҳоладик, бу эса ҳисоб-китобларнинг муҳим қолдиқлари ва операциялар турлари билан боғлиқ. Шунингдек, биз аудиторлик хатарлари даражасини баҳолаш ва ушбу хатар(риск)ларни мақбул даражага туширадиган тарзда аудиторлик процедураларини режалаштириш учун ўзимизнинг малакавий қароримиздан фойдаландик.

Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БХМС)га асосан тайёрланган 2021 йил молиявий ҳисоботлари кўрсаткичларининг муҳимлик даражаси “Аудитни режалаштириш ва ўтказишда муҳимлик” қоидалари (АХС 320)га мувофик аниқланди.

Ушбу текширувни ўтказиш мақсадида аудитор томонидан белгиланган муҳимлик даражаси 9,8 % ни ташкил этди.

### Базавий кўрсаткичлар ва муҳимлик даражасини белгилаш

1-Жадвал

Базавий кўрсаткич	Ҳисоботда базавий кўрсаткич миқдори, минг сўм	Муҳимлик даражаси, %	Муҳимлик даражаси суммаси, минг сўм
1	2	3	4
Жамият баланс фойдаси	40 652	5	2 032
Сотишдан олинган соф тушум	2 106 615	2	42 132
Баланс валютаси	9 512	2	190
Хусусий капитал	59 737 680	10	5 973 768
Ишлаб чиқариш таннари	0	2	0

Жами	61 894 459	6 018 122
------	------------	-----------

Муҳимлик даражасининг ўртача арифметик миқдори:

$$(2\ 032+42\ 132+190+5\ 973\ 768+0)/5= 6\ 018\ 122$$

Энг кичик миқдорни ўртача қийматдан четланишини:

$$(6\ 018\ 122-2\ 032)/ 6\ 018\ 122=0,99*100= 99 \%$$

Энг катта қийматни ўртача миқдордан четланиши:

$$(5\ 973\ 768 - 6\ 018\ 122) / 6\ 018\ 122= 0,00*100 =0,00 \%$$

Иккала қиймат ҳам ўртача миқдордан сезиларли даражада четга чиққанлиги сабабли уларни ҳисобга олмасликка қарор қилинди.

Унда янги ўртача арифметик қиймат:

$$(2\ 032+190+0) / 3= 740\ 666$$

Ушбу миқдорни 740 666 минг сўмга яхлитлаш мумкин (муҳимлик даражаси 9,8 фоиз чегарасида). Шартли равишда агар 370 333 минг сўмлик ҳатони ўтказиб юбориш мумкин бўлса, унда бу миқдор актив ва пассив ўртасида тенг тақсимланиши мумкин (яъни актив ва пассив учун ҳам йўл қўйилган хато 370 333 минг сўмга тенг).

Иккала қиймат ҳам ўртача миқдордан сезиларли даражада четга чиққанлиги сабабли уларни ҳисобга олмасликка қарор қилинди.

Танлаш турлари ва параметрларини аниқлашда, Аудитнинг ҳалқаро стандарти “Аудиторлик танлаш”(АХС 530) қоидалари (стандартлари), ички стандартлар, кўрсатмалар ва методологик тавсиялардан фойдаланилди.

Амалга оширилган процедуралар, тақдим этилган ҳужжатларни синовдан ўтказишга ва жамиятнинг текширилган давр учун бухгалтерия (молиявий) ҳисоботларининг ишончлилиги тўғрисида хулосалар чиқаришга имкон беради.

**Аудиторлик текшируви давомида аудитор томонидан қуйидаги ишлар амалга оширилди:**

- ✓ Бухгалтерия ҳисоби ва Бухгалтерия (молиявий) ҳисоботларини тайёрлаш тизимини баҳолаш;



- ✓ Ички назорат ҳолати ва назорат самарадорлигини баҳолаш;
- ✓ Молия-хўжалик операцияларини амалга оширишда амалдаги қонун ҳужжатларига риоя қилинишини ва бухгалтерия ҳисобида акс эттирилишини текшириш;
- ✓ Жамиятни солиқ қонунчиликига риоя этишини текшириш;
- ✓ Бухгалтерия (молиявий) ҳисоботларни имзолаган кундан кейин содир бўлган воқеаларни текшириш.

Асосий ва қиёсий кўрсаткичларнинг ишончлигини тасдиқлаш учун қуйидаги омиллар таҳлил этилди:

- Дастлабки ва қиёсий кўрсаткичлар жамиятнинг бухгалтерия ҳисоботлари билан боғлиқлиги;
- Олдинги даврда молиявий ҳисоботни тузишда мумкин бўлган хатоликлар ҳавф-хатарлари.

Текширув давомида биз 2020 йил охирига бухгалтерия ҳисобидаги қолдиқлар 2021 йил йил бошига тўғри ўтказилганлиги тўғрисида етарли даражада тегишли аудиторлик далилларини олдик.

Бухгалтерия ҳисоби счетлари бўйича 2021 йил бошига қолдиқлар 2020 йилнинг тегишли молиявий (бухгалтерия) ҳисоботлари маълумотлари ва давр охиридаги тегишли счетлар қолдиқларига асосан аниқланди. Бухгалтерия сиёсати доимий равишда қўлланилмоқда.

Юқорида баён этилганларга кўра биз бухгалтерия баланснинг дастлабки маълумотларини ва жамиятнинг молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботининг қиёсий кўрсаткичларининг ишончлигини тасдиқлаймиз.

Жамиятда аудитор томонидан 2021 йил учун амалга оширилган аудиторлик процедуралари жамият фаолияти фактларини текширишни ўз ичига олган.

## II. ТАҲЛИЛИЙ ҚИСМ

**1. Таъсис ҳужжатлари, давлат рўйхатидан ўтказилганлик билан боғлиқ ҳужжатлар, устав жамғармаси ва уни шакллантирилиши аудити.**

«UZTRADE» акциядорлик жамиятининг таъсис ҳужжатларини аудитдан ўтказишда биз тақдим этилган ҳужжатларга асосланиб қуйидаги қуйидаги жиҳат(аспект)ларни ўргандик:



1. «UZTRADE» акциядорлик жамиятининг таъсис хужжатларини ташкилий-хукукий шаклига мувофиқлиги;
2. Таъсис хужжатларининг Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқлиги;
3. Таъсис хужжатларида фаолият тўғрисида мажбурий маълумотларнинг мавжудлиги;
4. Таъсис хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганлигини тасдиқловчи хужжатларнинг мавжудлиги;
5. Устав капиталини шакллантириш тартибига риоя этиш;
6. Давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги қонун хужжатлари талабларига риоя этилиши;
7. Давлат органларида рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномаларнинг мавжудлиги.

Тадбиркорлик субъектлари қонун хужжатларида ман этилмаган ҳар қандай фаолиятни амалга оширишга ҳақли.

Юридик шахс бўлган тадбиркорлик фаолияти субъектларининг муассислари таъсис хужжатларида фаолиятнинг фақат асосий турларини санаб ўтишга ҳақли. Юридик шахс бўлган тадбиркорлик фаолияти субъектлари таъсис хужжатларида кўрсатилмаган фаолият тури билан ҳам шуғулланиши мумкин (ЎПҚ-328-сон., ЎЗР 02.05.2012 й.).

**Ўтказилган ўрганиш натижаларига кўра «UZTRADE» акциядорлик жамиятининг:**

Жамиятнинг амалдаги Устави жамият ягона акциядорининг 2021 йил 26 ноябрдаги қарори билан тасдиқланган.

Жамиятнинг янги таҳрирдаги Уставининг устав капитали 59 728 091 731 сўмни ташкил этиши кўрсатилган бўлиб, ҳар бир акциянинг номинал қиймати 1 сўм бўлган 59 728 091 731 дона эгасининг номи ёзилган оддий акцияларга бўлинган.

Жамиятнинг устав капиталига ягона таъсисчи “Ўзбекистон Республикаси Давлат активларни бошқариш агентлиги” 100 фоиз эгалик қилади. Жамиятнинг Устав капитали “Узинтеримпекс” АЖнинг 27 529 415 396 сўмлик, “Узмарказимпекс”

АЖнинг 32 198 676 335 сўмлик давлатга тегишли акциялари ҳисобига шакллантирилган.

Жамиятнинг асосий фаолияти ИФУТ коди бўйича қишлоқ хўжалиги хом-ашёси, тирик ҳайвонлар, тўқимачилик хом-ашёси ва ярим тайёр маҳсулотларини улгуржи савдоси бўйича воситачилик фаолияти бўлиб, ундан ташқари жамиятнинг Уставида шуғулланиши мумкин бўлган 21 турдаги фаолият турлари кўрсатиб ўтилган.

1. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ рўйхатдан ўтган.

2. Таъсис ҳужжатлари амалдаги қонунчиликка мувофиқ тузилган ва унда фаолиятнинг предмети ва мақсадларига мувофиқ жамиятни ҳар тамонлама ривожлантириш имкониятлари қайд этилган.

3. Жамият фаолияти таъсис ҳужжатлари талаблари бўйича амалга оширилган ва амалдаги қонунчилик-норматив актларга зид эмас.

4. Жамият фаолиятида атроф-муҳитга ва ўзига сезирарли зарар етказадиган фаолият турлари мавжуд эмас.

5. Устав капитали амалдаги қонунчиликка мувофиқ шакллантирилган.

6. Давлат хизматлари марказида 2021 йил 26 ноябрда қайта рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома мавжуд.

7. Таъсис ҳужжатларига, «UZTRADE» акциядорлик жамияти таъсисчиларининг 2021 йил 26 ноябрдаги умумий йиғилиш баённомасига асосан тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд.

## 2. Устав капиталининг шакллантирилиши аудити

«UZTRADE» акциядорлик жамиятининг Устав капиталини шакллантирилишини аудитдан ўтказишда биз, тақдим этилган ҳужжатларга асосланиб қуйидаги қуйидаги жиҳат (аспект)ларни ўргандик:

1. Бухгалтерия ҳисоботлари ва бухгалтерия ҳисоби регистрларининг идентификациясини текшириш.

2. Бирламчи бухгалтерия ҳужжатларини текшириш.

3. Эълон қилинган устав фондиди ўз вақтида ва тўлиқ акс эттиришни

текшириш.

4. Таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартиб, ҳажм, усул ва муддатларни ҳисобга олган ҳолда иштирокчилар ҳиссалари, уларнинг устав капиталидаги улуши (ҳиссаси) бўйича ҳисоб-китобларнинг ҳисобга олишнинг тўлиқлиги ва ўз вақтида бажарилишини текшириш.

5. Таъсис ҳужжатларидаги ўзгаришларни бухгалтерия ҳисобида ўз вақтида ва асосланган ҳолда акс эттиришни текшириш.

«UZTRADE» акциядорлик жамиятининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 май санасида ПП - 3009 сонли қарори билан "Узтадбиркорэкспорт" акциядорлик жамияти «UZTRADE» акциядорлик жамиятига айлантирилган.

«UZTRADE» акциядорлик жамиятининг Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар Миробот туман Давлат хитзматлари Маркази томонидан 2021 йил 16 декабр санасида № 4608783 реестр рақами билан қайта рўйхатдан ўтган. Жамиятнинг фаолият муддати чекланмаган.

Бошқа корхоналарнинг қимматли қоғозларига, мамлакат ҳудудида ва хорижда тузилган шўъба ва қарам хўжалик жамиятлари ва бошқа корхоналарнинг устав капиталларига қилинган узоқ муддатли инвестициялар (қўйилмалар)нинг мавжудлиги ва ҳаракати, шунингдек бошқа корхоналарга тақдим этилган, берилган узоқ муддатли қарзлар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш (АВ 30.05.2017 й. 1181-3-сон билан рўйхатга олинган МВ Буйруғи таҳриридаги хатбоши) 0610 "Қимматли қоғозлар", 0620 "Шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар", 0630 "Қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар", 0640 "Чет эл капитали мавжуд бўлган корхоналарга инвестициялар", 0690 "Бошқа узоқ муддатли инвестициялар" счётларида амалга оширилади:

Жамиятда юритилган бухгалтерия ҳисоби маълумотларига кўра, 2021 йил ҳисобот даври бошига узоқ муддатли инвестицияларнинг қиймати 13 016 939 654 сўмни ташкил этган. Йил давомида жамиятга тегишли акциялар қайта баҳоланган ва 46 960 041 128 сўмга кўпайган. Шу сабабли, 2021 йил 31 декабрь ҳолатига узоқ муддатли инвестициялар қиймати 59 976 980 782 сўмни ташкил этган.

Жамиятда узоқ муддатли инвестициялар қуйидагилардан иборат бўлган:  
(сўмда)

Ташкилотлар номи	Давр бошига қолдик	Айланма		Давр охирига қолдик
		Дебет	Кредит	
<b>Акциялар</b>				
"Узинтеримпэкс" АЖ	6 484 434 089	21 044 981 307		27 529 415 396
"Узмарказимпэкс" АЖ	6 296 321 622	25 902 354 713		32 198 676 335
<b>Жами</b>	<b>12 780 755711</b>	<b>46 947 336 020</b>	<b>0</b>	<b>59 728091731</b>
<b>Пай ва улушлар</b>				
"TRADE HOUSE UZTRADE Sofia" LTD	10 401 093			10 401 093
ММС "UZTREYD BAKI"		12 705 108		12 705 108
Uz-American Trade Corp. савдо уйи	41 508 900			41 508 900
"Торговий дом "Uztrade" МЧЖ (Украина)	18 901 722			18 901 722
"ХС Узтрейд Таджикистан" МЧЖ	45 406 301			45 406 301
ТОО "Центрально-Азиатский Торговый дом" (Казахстан) савдо уйи	20 714 381			20 714 381
"UZIN Trading House Private Ltd" (Индия) савдо уйи	3 530 998			3 530 998
"UZTARDE-LV" (Латвия) савдо уйи	7 720 392			7 720 392
"УзБелТрейд" МЧЖ (Беларусь) савдо уйи	38 000 155			38 000 155
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси	50 000 000			50 000 000
<b>Жами</b>	<b>236 183 943</b>	<b>12 705 108</b>	<b>0</b>	<b>248 889 051</b>
<b>Ҳаммаси</b>	<b>13 016 939654</b>	<b>46 960 041 128</b>	<b>0</b>	<b>59 976980782</b>

«Бухгалтерия баланси» №1-сонли шакл ҳисоботида узоқ муддатли инвестицияларнинг қиймати 030-сатрда акс эттирилади.

*Аниқланди: Жамият томонидан 2021 йил 31 декабрь ҳолатига тузилган бухгалтерия балансида акс эттирилган узоқ муддатли инвестициялар қиймати қуйидагича бўлган.*

(минг сўмда)

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Ҳисобот даври бошига	Ҳисобот даври охирига	кўпайиши, (камайиши)
Узоқ муддатли инвестициялар,	030	13 016	59 976	46 960 041
Қимматли қоғозлар	040	12 780	59 728	46 947 336
Қарам хўжалик жамиятларига	022	236 184	248 889	12 705

*Жамиятда узоқ муддатли инвестициялар қиймати ҳисобот даври охирида ҳисобот даври бошига нисбатан 46 960 041 минг сўмга кўпайган.*

Таъсисчилар умумий йиғилишининг 2021 йил 26 ноябрдаги баённомасига асосан, таъсисчилар томонидан жамият Устави қайта руйхатга олинган.

Ўзбекистон Республикасининг “Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонуни (ЎРҚ. N 310-II, 06.12.2001 й.) 14-моддасининг 5-хатбошига асосан жамият иштирокчиси улушининг ҳақиқий қиймати жамият соф активлари қийматининг унинг улуши миқдорига мутаносиб бўлган бир қисмига мос бўлиши белгиланган.

Ўрганилаётган давр ҳолатига таъсисчиларнинг Устав фонди 59 728 092 минг сумни ташкил этган. Устав фондига киритилган пул маблағлари ҳисобига таъсисчилар улуши ва улушларнинг номинал қиймати қайта тақсимланган ва тегишли тартибда Устав фонди 2021 йил 26 ноябрда қайта Давлат рўйхатидан ўтказилган.

**Устав капиталининг шакллантирилишини текшириш натижаларига кўра:**

1. «UZTRADE» акциядорлик жамияти таъсисчиларининг жамиятнинг Устав фондига киритган улушлари банк ҳужжатлари билан тасдиқланган.

2. Устав фонди миқдори таъсис ҳужжатларига мувофиқ ўз вақтида ва тўлиқ шакллантирилган. Бухгалтерия ҳисоботлари ва бухгалтерия ҳисоби регистрлари идентификацияланган.

3. Таъсисчиларнинг таъсис ҳужжатларига асосан улушларини таъсис шартномасига мувофиқлиги таъминланган.

4. Уставга капиталига киритилган ўзгартишлар тегишли ҳужжатлар билан асосланган.

5. Устав капиталини шакллантириш ва унга ўзгартиш киритиш бўйича операцияларнинг аналитик ва синтетик ҳисобини юритиш тартибига риоя қилиниши бўйича хатоликлар аниқланмади.

Хулоса: «UZTRADE» акциядорлик жамиятининг Устав капиталининг шакллантирилиши ва бухгалтерия ҳисобини юритилиши амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган талабларга жавоб беради.

### 3. Бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат умумий ҳолатининг аудити

Бухгалтерия ҳисоби ва ички назоратнинг умумий ҳолатини аудитдан ўтказишда биз, жамият томонидан тақдим ҳужжатларга асосланиб қуйидаги жиҳатларни ўргандик:

1. Жамиятда Ҳисоб сиёсати тўғрисидаги буйруқнинг мавжудлиги ва унинг амалдаги қонунчиликка ва жамият фаолиятининг ўзига ҳос хусусиятларига мувофиқлиги;

2. Жамиятда қўлланилаётган бухгалтерия ҳисоби шакли, унинг белгиланган тартибда тасдиқланган бухгалтерия ҳисоби шаклига мувофиқлиги;

3. Ички назорат бўлинмасининг мавжудлиги ва унинг мақсадлари, вазифалари, таркиби ва тузилмани ташкилотни бошқариш мақсадларига ва унинг фаолият қўламига мувофиқлиги;

4. Назорат тартибларини ҳужжатлаштириш;

5. Ички назоратни ташкил этиш учун ижро этувчи органнинг жавобгарлиги мавжудлиги.

#### 3.1. Бухгалтерия ҳисобининг умумий ҳолати аудити

Жамиятда бухгалтерия ҳисобининг умумий ҳолатини аудитдан ўтказишда қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан қўланма сифатида фойдаланилди:

Ҳалқаро аудит стандартлари АХС-510 “Дастлаб бажариладиган аудиторлик топшириғи: давр бошига қолдиқлар”, АХС-200 “Ҳалқаро аудит стандартларига мувофиқ аудит ўтказишда мустақил аудиторнинг асосий мақсади”;

Аудиторлик текширувлари жараёнида бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимини баҳолаш бўйича аудиторлик ташкилотнинг ички стандартлари, кўрсатмалари ва методологик тавсиялари;

1-сон БҲМС “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот” (АВ томонидан 14.08.1998 й. 474-сон билан рўйхатга олинган Молия вазирлиги томонидан 26.07.1998 й. 17-17/86-сон билан тасдиқланган).

“Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айланиши тўғрисида” Низом (АВ.2004 й.14 январ,рр. 1297)

Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (21-сон БҲМС) “Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг

бухгалтерия ҳисоби счётлари режаси ва уни қўллаш” бўйича ЙЎРИҚНОМА (АВ.рр. 1181, 23.10.2002 й.)

Ҳисоб сиёсати деганда - хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбари бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисобот тузиш учун қабул қиладиган усулларнинг йиғмаси тушунилади, молиявий ҳисобот ушбу усулларга ва уларнинг қоидалари ҳамда асосларига мувофиқ равишда тузилади.

Бухгалтерия ҳисобини гуруҳларга ажратиш ва хўжалик фаолияти фактларига баҳо бериш, активлар қийматини тўлаш, ҳужжатлар айланмасини, мол-мулкни рўйхатга олишни ташкил этиш усуллари, бухгалтерия ҳисобида ҳисоботларни қўлланиш усуллари, ҳисоб регистрлари тизими, ахборотларни ишлаб чиқиш ва ўзга тегишли усуллар, услубиятлар бухгалтерия ҳисобини юритиш усулларига киради.

1-сон БҲМСнинг 4-бандига мувофиқ Жамиятнинг ҳисоб сиёсати раҳбар томонидан шакллантирилади ва тегишли ташкилий-тасарруфий ҳужжатлар (буйруқ, фармойиш) билан расмийлаштирилади.

Молиявий ҳисобот хўжалик юритувчи субъект алоҳида мустақил хўжалик юритувчи субъектлиги ёки хўжалик юритувчи субъектларнинг жамланган гуруҳига киришидан қатъи назар шу хўжалик юритувчи субъектнинг маълум бир даврдаги фаолиятини кўрсатувчи молиявий ахборотни тақдим этиш усулидир.

Ҳисоб сиёсатини шакллантириш чоғида жамият танлаб олган бухгалтерия ҳисобини юритиш усуллари тегишли ташкилий-фармойиш ҳужжати чиқарилган йилдан кейинги йилнинг 1 январидан бошлаб қўлланилади. Айти пайтда бу усуллар Жамиятнинг барча таркибий бўлинмаларида (жумладан, алоҳида балансга ажратилган бўлинмаларида) уларнинг қаерда жойлашганидан қатъи назар қўлланилади.

Бунда қуйидагилар тасдиқланади:

- бухгалтерия ҳисоби счётларининг ишчи режаси;
- хўжалик операцияларини расмийлаштириш учун қўлланиладиган, наъмунавий шакллари кўзда тутилмаган бирламчи ҳисоб ҳужжатлари шакллари;
- ички бухгалтерия ҳисоботи учун ҳужжатлар шакллари;
- инвентаризация ўтказиш тартиби;
- Жамиятнинг мол-мулклари ва мажбуриятларини баҳолаш усуллари, молия-хўжалик операцияларининг ҳисобда акс эттирилиши;

- ҳужжат айланиш қоидалари ва ҳисобга оид маълумотларни қайта ишлаш технологияси;

- хўжалик операцияларини назорат қилиш тартиби;

- бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш учун зарур бўлган бошқа қарорлар.

Ҳисоб сиёсатини қуйидаги ҳолларда ўзгартиришга йўл қўйилади:

- субъект қайта ташкил этилганда (қўшилганда, ажралиб чиққанда, бирлашганда);

- мулк эгалари алмашганда;

- Ўзбекистон Республикаси қонунларида ёки Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини тартибга солувчи меъёрий тизимда ўзгаришлар бўлганда;

- бухгалтерия ҳисобининг янги усуллари ишлаб чиқилганда (1-сон БҲМСнинг 56-банди).

Ҳисоб сиёсатининг ўзгариши асосланган бўлиши керак ва Жамиятнинг раҳбари томонидан тасдиқланадиган тегишли ташкилий-тасарруфий ҳужжатлар (буйруқлар, фармойишлар ва ҳоказо) билан расмийлаштирилади.

Ҳисоб сиёсатидаги ўзгариш тегишли ташкилий-фармойиш ҳужжати чиқарилган йилдан кейинги йилнинг 1 январидан бошлаб татбиқ этилади

Жамиятнинг бухгалтерия ҳисоби тизимини таҳлил этиш натижаларига кўра:

- ✓ Бухгалтерия ходимлари учун ички тартиб, мансаб йўриқномалари ва ички ҳужжат айланиши ишлаб чиқилган.
- ✓ Бухгалтерия ҳисобида хўжалик операцияларини қайд этиш учун алоҳида шахсларнинг жавобгарлиги Жамият буйруғи билан белгиланган.
- ✓ Бухгалтерия ҳисобини юритиш автоматлаштирилган усулда ташкил этилган.
- ✓ Мол-мулклар, мажбуриятлар ва хўжалик операцияларининг бухгалтерия ҳисоби Жамиятнинг амалдаги бухгалтерия ҳисоби счетлари режасига киритилган ўзаро боғлиқ счетларда икки ёклама ёзув усулида юритилмоқда.
- ✓ Бухгалтерия ҳисоби счетлар режаси Жамиятнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (21-сон БҲМС) “Хўжалик юритувчи субъектлармолиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерияҳисоби счётлари режаси ва уни қўллаш” бўйичаЙўриқнома (АВ.рр 1181, 23.10.2002 й.)га мувофиқ ишлаб чиқилган.



- ✓ Счетлар режасининг тузилиши ҳозирги кунда ҳисобга олиш ва якунида ҳисоб маълумотларини қайта ишлаш жараёнига қўйилган талабларга тўлиқ жавоб беради.
- ✓ Бухгалтерия хизмати ходимлари норматив ҳужжатлар билан таъминланган. Бухгалтерия ҳисоби ва солиқ кодексига киритилган ўзгартишларни жорий мониторинг қилиб бориш имконияти мавжуд.
- ✓ Жамиятда бухгалтерия ҳисоби тўлиқ автоматлаштирилган ва бухгалтерия ҳисоби 1 С 7.7 бухгалтерия дастурини қўллаган ҳолда юритилади. Жамиятда ҳисоб тизимининг ишончлигини таъминлайдиган компьютер муҳити яратилган. Қўлланилаётган компьютер техникаси у бажарадиган вазифаларга мувофиқ келади.
- ✓ Жамиятда ҳисоб маълумотларининг базаси ҳавфсизлигини таъминлаш устидан назорат ўрнатилган, маълумотлар базасига ўзгартишлар киритиш ва системага киришга рухсат этиш чекланган.
- ✓ Бухгалтерия ҳисобининг автоматлаштирилган тизими ўз вақтида янгиланиб, ҳисоб тизимини тартибга соладиган амалдаги норматив ҳужжатларга киритилган ўзгартишларга мослаштирилиб борилмоқда.
- ✓ Аудитдан ўтказиш жараёнида жамиятнинг бухгалтерия(молиявий) ҳисоботларини тузиш ва манфаатдор фойдаланувчиларга тақдим этиш шартларини бузиш ҳолатлари аниқланмади.
- ✓ Хўжалик операцияларини акс эттирувчи ҳужжатлар асосан масъул бўлинма томонидан тайёрланиб, Жамият ҳисобхона биносида бухгалтерия ҳужжатларини сақлаш учун ажратилган алоҳида хоналарда сақланиши ташкил этилган.
- ✓ Аналитик ҳисоб регистрлари, жадваллар, бош китоб ва журналлар, айланмалар жамламалари 1-с 7.7. бухгалтерия дастурий таъминотида юритилган бўлиб, қоғозга чиқариб тикиб борилган.
- ✓ Жамиятда ҳужжат айланишининг тўғрилиги яъни ҳужжатларда раҳбар ходимларнинг имзолари ва розилик ёзувларининг мавжудлиги танлаб олиш йўли билан ўрганилганда товар моддий бойликларнинг ҳаракати тўғрисидаги ҳужжатларда, моддий бойликларни ҳисобдан чиқариш далолатномаларида ва материал ҳисоботларда раҳбарларнинг розилик имзолари ҳамда олувчининг имзолари тўлиқ қўйилганлиги аниқланди.
- ✓ Текширилаётган даврда ҳисоб сиёсатига ўзгартишлар киритилмаган.



*Бизнинг фикримизча юқорида баён этилганларни ҳисобга олган ҳолда, Жамиятнинг бухгалтерия ҳисоби тизими фаолиятнинг моҳияти ва масштабига мувофиқ келади.*

### **3.2. Жамиятда ички назорат тизимининг умумий ҳолати аудити**

Жамиятда ички назорат тизимининг ҳолатини аудитдан ўтказишда қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан қўланма сифатида фойдаланилди:

Аудитнинг халқаро стандартлари АХС-200 “Халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудит ўтказишда мустақил аудиторнинг асосий мақсади”, АХС-265 “Раҳбариятни ва корпоратив бошқаришга масъул бўлган шахсларни ички назорат тизимидаги камчиликлар тўғрисида хабардор қилиш”;

“Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айланиши тўғрисида” Низом (АВ.2004 й.14 январ, рр. 1297);

Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (21-сон БҲМС) “Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлари режаси ва уни қўллаш” бўйича Йўриқнома (АВ.рр. 1181, 23.10.2002 й.).

Ўзбекистон Республикасининг “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонуни (ЎРҚ, N 310-II, 06.12.2001 й.) 45-1 моддасига мувофиқ активларининг баланс қиймати бир миллиард сўмдан ортиқ бўлган жамиятда ички аудит хизматини ташкил этиш белгиланган.

Ички назорат тизими хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг ҳажми ва хусусиятларига мувофиқ бўлиши лозим.

Жамиятнинг ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш ваколати кузатув кенгашига юклатилган. Ички аудит хизмати жамиятнинг кузатув кенгашига ҳисобдордир.

Ички аудит хизмати жамиятнинг ижро этувчи органи томонидан қонун ҳужжатларига, таъсис ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда тўғри акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ва бу борада мониторинг олиб

бориш орқали жамиятнинг ижро этувчи орган ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

Ички аудит хизмати ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади.

Жамиятда ички назорат тизимининг умумий ҳолатини ўрганиш натижаларига кўра ички назорат тизими ташкил этилган.

*Тавсия этилади: Амалдаги Қонунчилик талабларига мувофиқ фаолиятининг ҳажми ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ички назорат тизимидаги айрим камчиликларни бартараф этиш. Ички аудит хизматини ташкил этиш тавсия этилади.*

#### **4. Бухгалтерия ҳисоботлари аудити**

Биз, Жамият томонидан аудит учун тақдим этилган ҳужжатларга асосан, бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари асосида тайёрланган бухгалтерия молиявий ҳисоботларини аудитнинг халқаро стандартлари (АХС)га мувофиқ аудитдан ўтказдик. Аудитнинг амалдаги нормалари ва низомларига мувофиқ аудит томонидан қуйидагилар текширилди:

1. Бухгалтерия баланси (№1 шакл), баланс кўрсаткичларининг бош дафтар (оборот баланси) счетлари колдикларига мувофиқлиги;
2. Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот (№2 шакл), ҳисобот кўрсаткичларининг бухгалтерия маълумотларига мувофиқлиги;
3. Капитални ўзгариши тўғрисидаги ҳисобот (№3 шакл), ҳисобот кўрсаткичларини бухгалтерия ҳисобида қайд этилган маълумотларга мувофиқлиги;
4. Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот (№4 шакл) ҳисобот кўрсаткичларини бухгалтерия ҳисобида қайд этилган маълумотларга мувофиқлиги;
5. Молиявий ҳисоботда акс этган кўрсаткичларнинг уни тайёрлаш бўйича кўрсатмаларда назарда тутилган тартибга мувофиқлиги.

Молиявий ҳисоботлар Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ аудитдан ўтказилди:

Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонуни (ЎЗР 13.04.2016 й)

Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобиннинг миллий стандарти 15-сон  
“Бухгалтерия баланси”(АВ.2003 й. 20 март, pp. 1226);

Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобиннинг миллий стандарти 3-сон  
“Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот”(АВ. 1998 й. 27 август, pp. 484);

Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобиннинг миллий стандарти 9-сон  
“Пул оқими тўғрисида ҳисобот”(АВ. 1998 й. 27 август, pp. 484);

Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобиннинг миллий стандарти 14-сон  
“Хусусий капитал тўғрисида ҳисобот”(АВ. 1998 й. 27 август, pp. 484);

“Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидалар”  
(АВ.2003 й. 24 январ,pp. 1209)

Биз молиявий ҳисоботларни аудитдан ўтказдик ва шунга мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботлар тўғрисида ўз фикримизни ифода этамиз. Олинган бирламчи ҳужжатларнинг ҳаққонийлиги ва тўғри тузилганлиги текширилмади ва муҳокама қилинмади.

Аудитор фақат тақдим этилган молиявий ҳисоботлар бўйича билдирилган фикри доирасида жавобгар ҳисобланади. Мазкур молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги учун жамият раҳбарияти жавобгардир.

Ўтказилган ўрганиш натижаларига кўра:

- ✓ Бухгалтерия баланси кўрсаткичлари ва бош дафтар (оборот баланси) счетлари қолдиқлари ўртасида фарқ аниқланмади.
- ✓ Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот(№2 шакл) кўрсаткичлари оборот баланси счетларида қайд этилган маълумотларга мувофиқ тузилган.
- ✓ Хусусий капитални ўзгариши тўғрисидаги ҳисобот(№3 шакл), ҳисобот кўрсаткичлари ва бухгалтерия ҳисобида қайд этилган маълумотлар мувофиқлиги таъминланган.
- ✓ Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот(№4 шакл) ҳисобот кўрсаткичлари бухгалтерия ҳисобида қайд этилган маълумотларга мувофиқ тузилган.
- ✓ Молиявий ҳисоботда акс этган кўрсаткичлар уни тайёрлаш бўйича кўрсатмаларда назарда тутилган тартибга мувофиқ шакллантирилган.